Молиявий хизматларни ривожлантириш доирасида бир қатор маҳаллий олимлар тадқиқотлар олиб боришган бўлиб, улар ушбу молиявий хизматларнинг турли жиҳатларини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишган. Жумладан: молиявий хизматларнинг моҳияти ва таснифи, вазият таҳлили, шакллантириш йўналишлари ва уларни бошқаришга қўшган ҳиссаси бўйича Ж.Р.Зайналов[4], молиявий хизматларнинг таркибида катта кўзга кўрингани - банк хизматлари шарҳлари тўғрисида С.С.Алиева[5], сугурта хизматларини ташкил этиш ва режалаштириш бўйича Б.Ш.Хусанов[6], газна хизматларини самарадорлигини таъминлаш ва

тизимлаштириш жараёнлари Ж.Р.Зайналов ва С.С. Алиева[7], солиқ хизматларини ташкил этиш тўғрисида Ж.Р.Зайналов[8], лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари Н.У.Мурадова ва Ш.М. Латипова[9], хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича И.Очилов[10]лар тадқиқотлар олиб боришган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ (RESEARCH METHODOLOGY)

Билишнинг аниқ усуллари йиғиндисига таянган ҳолда иқтисодий-ижтимоий таҳлиллар, мантиқий ёндашув, дедукция ва натижани илмий ўрганиш услубларидан фойдаланилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР (ANALYSIS AND RESULTS)



1-чизма. Молиявий институтларда хизмат стратегиясини амалга ошириш учун етарли шарт-шароитлар

Молиявий институтлар ва улар фаолиятларини бошқариш ҳамда мувофиқлаштириш жараёнлари кўп омилли жараён бўлиб, мамлакатнинг нафақат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига, балки шу билан бирга молиявий хизматлар бевосита таъсир кўрсатади. Молиявий хизматлар иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар жараёнлари иштирокчилари томонидан қўйиладиган мақсад ва вазифаларга мос равишда ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиб борилиши зарур бўлади.

Турли соҳа корхоналари замонавий воситалар ва технологик жиҳозлар билан таъминлаш, хизматлар ҳажми ва сифатини кўрсатиш соҳада молиявий хизматларнинг фаоллигини ошириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бунда молиявий институтлар ташаббускор бўлиб, хўжалик субъектларининг тизимлашган хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш соҳадаги муҳим масала ҳисобланишини керак. Пировард натижада, молиявий институт (молия, банк, суғурта, солиқ ва бошқалар) хизматига бўлган талабни тўлиқ ва сифатли қондириш билан боғлиқ барча амалга ошириладиган ишларни ягона жараёнлар мажмуига бирлаштириш мумкин.

Молиявий хизматларни самарали жорий этиш механизми алоҳида чора-тадбирлар самарадорлиги ва молиявий институтлар тизими олдиға қўйилган мақсадларға эришишни таъминловчи давлат томонидан амалға оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар мажмуасини белгилайди.

Молиявий институтларда хизмат стратегиясини амалға ошириш учун етарли шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, уларни санаб ўтиш мақсадға мувофиқдир (1-чизмага қаралсин).

Аммо, шунга қарамай, молиявий институтлар фаолиятининг фаоллуви кузатилмапти. Бунинг бир нечта ўзига хос сабаблари бўлиб, уларнинг асосийларидан бири ҳам молиявий институтларнинг, ҳам уларнинг хизматидан фойдаланувчи мижозларнинг, шунингдек, инвесторларнинг молиявий бозордаги мавқеи, имкониятлари ва инвестициявий жозибадорлигини баҳолаш бўйича замонавий услубий таъминот билан етарли даражада таъминланганлигидир.

Юқори риск шароитида молиявий институтларни бундай услубий таъминотисиз амалға ошириш кўзда тутилган натижаларға эришиш имконини бермайди. Шунинг учун молиявий хизмат кўрсатувчи молиявий институтлар ҳолатини баҳолаш бўйича услубий асосни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланиб, бу молиявий институтларига капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш ва рақобатбардош молиявий хизмат бозорини шакллантиришни таъминлайди.

Ушбу услубий қўйидаги асосий параметрларни баҳолашни ўз ичига олиши муҳим:

- молиявий институтларда мавжуд асосий воситалар ва активларини баҳолаш;
- молиявий хизмат кўрсатишнинг потенциал имкониятларини баҳолаш;
- молиявий хизмат турини маҳаллий хизмат кўрсатиш бозоридаги улushi;
- молиявий институтларнинг молиявий ҳолати.


Маълумки, молиявий ҳолат таҳлил қилинганда ҳисобот давридаги молиявий ҳолат ва унинг ўзгаришини умумий баҳоси, молиявий барқарорлик, иш юритиш фаолияти, тўлов қобилияти ва бошқа кўрсаткичлар таҳлил қилинади. Шунингдек, молиявий аҳволни ҳар томонлама таҳлил этишда солиштирма молиявий коэффицентлар ишлатилиши муҳим аҳамият касб этади. Булар айрим ялпи кўрсаткичларни бошқаларига нисбати сифатида ҳисобланади ва молиявий институтнинг хизматлар билан боғлиқ молиявий аҳволни кўрсатиб беради. Бу кўрсаткичлар молиявий аҳволни рақамлар билан ифодалашда, конкрет бир молиявий институтни бошқа турдош молиявий институтлар билан ёки соҳадаги ўртача кўрсаткичлар билан солиштиришда, кўрсаткичлардаги ўзгаришлар тенденциясини аниқлашда ва улар ривожланиш мезонлари ҳамда чегаравий меъёрларни белгилашда кенг қўлланилади. Бугунги кунда молиявий коэффицентлар асосида молиявий институтлар молиявий ҳолатини баҳолаш бўйича хорижий ва республикамиз олим ва амалиётчилари томонидан етарли усул ва услублар ишлаб чиқилган бўлиб, улар ҳар қандай молиявий институтлар учун "универсал" услуб сифатида амалиётда кенг қўлланилмоқда [11].

Молиявий институт активлари ва устав фондининг миқдори унинг молиявий-иқтисодий қудратини баҳолашнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Активларнинг реал қийматларини ҳисоблашда бир неча маълумотлардан фойдаланиш мумкин (2-чизмага қаралсин).

Маълумки, бугунги кунда республикамиздаги умумий фойдаланишдаги молиявий институтларнинг деярли барчаси акциядорлик жамиятлари деб эътироф этилган [12]. Лекин, тармоқ молиявий хизмат институтларини паст рентабеллиги

уларнинг кўпчилигида акциядорнинг сотилмай қолиши ёки уларга дивидентлар тўланмаслиги, акцияларнинг аниқ бир бозор котировкасини ҳисоблаш имкониятини бермайди. Шу сабабли айрим хизмат кўрсатиш молиявий институтини икки гуруҳга ажратиб олиш билан кифояланамиз, **яъни:**

- акцияси бозор котировкасига эга молиявий институтлар (банклар, суғурта ташкилотлари);
- акциялари бозор котировкасига эга бўлмаган молиявий институтлар (молия бошқармаси, газначилик, солиқ тизими ва бошқалар).



2-чизма. Активларни реал қийматини ҳисоблашда фойдаланиладиган дастлабки маълумотлар

Бунда молиявий институтлар активларининг прогноз миқдори маҳсулотнинг бозордаги прогноз баҳосини ҳисоблаш каби ҳисобланади:

1. Жойлардаги молиявий институтларнинг баланс қиймати қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$\sum_{j=1}^n \text{МИ}_{\text{БК}j} = \sum \text{МИ}_{\text{БК}j} \quad (1)$$

бу ерда: n - молиявий институтлар сони; $\text{МИ}_{\text{БК}j}$ - молиявий институтларнинг баланс қиймати.

2. Шундан сўнг ҳар бир молиявий институтни умумий миқдордаги улуши қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$\Delta \text{МИ}_i = \frac{\sum \text{МИ}_{\text{БК}j}}{\sum \text{МИ}_{\text{БК}}} \quad (2)$$

3. Ҳар бир молиявий институт учун капиталлаштириш ҳисоби қийматининг бозор қийматидан фарқланиш коэффициентини қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$\sum \text{Кап}_i = \frac{\sum \text{МИ}_{\text{БК}}}{\sum \text{МИ}_{\text{КХК}}} \quad (3)$$

бу ерда: $\Sigma \text{МИК}_{\text{БК}}$ - молиявий институт капиталлашувининг бозор қиймати; $\Sigma \text{МИК}_{\text{ХК}}$ - молиявий институт капиталлашувининг ҳисобий қиймати, молиявий институтнинг ўзлик маблағлари миқдорига тенг.

4. Фарқланиш коэффициенти йиғиндиси қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$K_{\phi} = \sum_{i=1}^n (\Sigma \text{Кап}_i \times \Delta \text{МИ}_1) \quad (4)$$

5. Молиявий институт ёки жами молиявий институт объектлар активининг прогноз қиймати - бозор баҳоларида капиталлашув қиймати аниқланади (ББК_{кх}):

$$\text{ББК}_{\text{кх}} = \text{Б}_{\text{кх}} \times \Sigma \text{Кап} \quad (5)$$

бу ерда: $\text{Б}_{\text{кх}}$ - бозор коэффициенти.

Замонавий молиявий институтларнинг молиявий потенциали ва мавқеи унинг халқаро миқёсда мамлакат ичкарасида молиявий хизматлари ёки экспорт-импорт билан боғлиқ молиявий хизматларини кўрсатиши билан ҳам белгиланади. Молиявий институтларни ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдаги роли мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига изчил интеграциялашувини тахминлаши билан бирга мамлакат иқтисодиётига сезиларли миқдорда валюта кириб келишини таъминлайди.

Молиявий институтларнинг экспорт операциялари билан боғлиқ хизматлари экспорт-импорт операциялари ва кўрсатилаётган жорий халқаро молиявий хизматлар ҳажми асосида баҳоланади.

$$\Sigma \text{МИ}_{\text{ЭО}}^{\text{ХХ}} = \Sigma \text{М}_{\text{ЭКО}}^{\text{АМ}} - \Sigma \text{М}_{\text{ЭИО}}^{\text{Ж}} \quad (6)$$

Бу ерда: $\Sigma \text{М}_{\text{ЭКО}}^{\text{АМ}}$ - майдон бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган экспорт-импорт операциялари; $\Sigma \text{М}_{\text{ЭИО}}^{\text{Ж}}$ - майдон бўйича жорий экспорт-импорт операциялари.

Молиявий институтларнинг молиявий хизмат кўрсатиш бозоридagi улушини ҳисоблашда ($\Sigma \text{МИ}_{\text{МБХ}}$), молиявий институтнинг умумий ресурслари ва молиявий хизмат кўрсатиш бозорининг умумий ҳажми ҳақидаги маълумотлардан фойдаланамиз:

а) базис даврининг охири учун:

$$\Sigma \text{МИ}_{\text{МБХ}} = \frac{\Sigma \text{МИ}_{\text{МБХ}}^{\text{Р}}}{\Sigma \text{МИ}_{\text{МХ}}} \times 100\% \quad (7)$$

бу ерда: $\Sigma \text{МИ}_{\text{МБХ}}^{\text{Р}}$ - молиявий институтни молиявий хизмат кўрсатиш бозорининг умумий ҳажми, бозордаги иштирокчиларнинг жами ресурслари йиғиндисига тенг;

$\Sigma \text{МИ}_{\text{МХ}}$ - молиявий институтнинг молиявий хизмат кўрсатиш ҳажми.

б) таҳлил қилинаётган давр охири учун:

$$\sum \text{МИ}^1_{\text{МБХ}} = \frac{\sum \text{МИ}^1_{\text{МХБ}}}{\sum \text{МИ}_{\text{МХ}}} \times 100\% \quad (8)$$

в) Таҳлил қилинаётган давр учун вариация коэффиценти ва бозор улуши қанчалик паст бўлса, рақобатнинг интенсивлиги ($P_{\text{ак}} I_{\text{нт}}$) шунча юқори бўлади:

$$P_{\text{ак}} I_{\text{нт}} = 1 - \frac{\sqrt{\frac{1}{N} \times \sum_{i=1}^n (\text{ББК}_{\text{сек}}^n - \text{ББК}_{\text{сек}}^m)^2}}{\text{ББК}_{\text{сек}}^m} \quad (9)$$

Молиявий хизматлар рақобатнинг интенсивлигини аниқлаш асосида молиявий институтларининг хизмат кўрсатиш бозорининг аниқ сегментини эгаллашга йўналган бизнес фаолиятнинг жонланиш даражасини баҳолаш мумкин.

Молиявий институтларнинг молиявий хизмат бозорининг маълум сегментини эгаллашга йўналтирилган мақсадига эришишни таъминлаш учун молиявий бозориди мавжуд ва жалб этилиши мумкин бўлган ресурслар ёки хизматлар етарлилигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса амалда янги хизмат сегментларини кўрсатиш билан боғлиқ рисклар таъсирини ҳисоблаб чиқишни талаб этади. Айтиш жоизки, ҳар бир молиявий хизмат кўрсатишда молиявий институтлар рисклари дуч келади.

Рисклар эса молиявий хизмат сифатини оширишга молиявий институтлар диққатини қаратади [13]. Акс ҳолда молиявий хизматлар доирасида амал қилиши мумкин бўлган рисклар молиявий институтларини молиявий хизматларидаги рақобатбардошлигини пасайтиради. Бундан молиявий институтлар катта зарар кўришлари мумкин бўлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини салбий оқибатларини бартараф этишда молиявий институтлар томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган молиявий хизматлар турини оширишга эришиш муҳимдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР (CONCLUSION/RECOMMENDATIONS)

Молиявий хизматлар ҳозирда шакллантирилиб келинаётган молиявий институт, яъни газначилик тизимида ҳам кенг қўламда фойдаланиши муҳимдир. Ушбу соҳада молиявий хизматлар давлат харидларини ташкил этишда, товар айланмасини оширишга, талбиркорларни давлат харидларини бажаришдаги фаоллигини янада оширишга ва самарали фаолият кўрсатишга шарт-шароит яратади.

Молиявий хизматларни кўрсатувчи субъектларига айниқса кичик корхоналарга доимий равишда ўсиб, рақобатчилик ва ўзгарувчан талабга мос ҳолда самарадорлиқнинг муҳим омили сифатида тобора ўсиб бораётган молиявий хизмат кўрсатиш турларига ахборот технологияларини ҳам ўзгаириб туриши хосдир. Бунда молиявий хизматлар бозориди фаолият юритаётган ҳар хил турдаги молиявий хизматлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган субъектларнинг ихтисослагининг эгилувчанлиги ва ташқи муҳитнинг беқарорлик даражасига боғлиқ бўлади.

References

1. Ўзбекистон Республикаси Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси. //Халқ сўзи. 2018 йил 23 декабрь. 3-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 215-модда; 2013 й., 16-сон, 216-модда, 45-сон, 584-модда)
3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. - Тошкент: Ўзбекистон, 2013. - 6 б.
4. Зайналов Ж.Р. Инновационные аспекты финансово-кредитных услуг. //Материалы межд.научн.практ. конференции "Рынок услуг, проблемы, решения и перспективы. 29-30 июня 2012 года. - Самарканд: СамИЭС, 2012. - с. 212-218;
5. Алиева С.С. Развитие современных банковских услуг. Хизмат кўрсатиш соҳаси: ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари / 2016 йил 19-20 феврал. Республика аънавий илмий-амалий конференцияси материаллари. IVқисм. Самарқанд, СамИСИ, 2016. - С. 178; Алиева С.С. Микрокредитование, как инструмент предоставления кредитных услуг. Хизмат кўрсатиш соҳаси: ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари / 2016 йил 19-20 феврал. Республика аънавий илмий-амалий конференцияси материаллари. IIIқисм. Самарқанд, СамИСИ, 2016. - С.151
6. Хусанов Б.Ш., Ахоров З.О. Сугурга хизматини режалаштириш сифатини ошириш. "Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш ва инновацион фаолиятини такомиллаштириш муаммолари"/ 2014 йил 21-22 феврал. Республика аънавий илмий-амалий конференция материаллари (IV-қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2014. - 109-113 б.
7. Зайналов Ж.Р., Алиева С.С. Ҳазна тизими самарадорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган хизматларни ривожлантириш йўллари. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий электрон журнали. - №2, май-июн. 2014.; Зайналов Ж.Р., Алиева С.С. Совершенствование системы функционирования казначейских услуг. Ўзбекистон молия тизимининг мустақил 25 йил давомидаги тараққиёт йўли/ Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йилгига бағишланган Республика илмий-амалий конференциясининг материаллари тўплами. - 2016. - 163-165 б. (312 б.).
8. Зайналов Ж.Р. Необходимость оказания качественных услуг налогоплательщикам службами налоговой инспекции. // Сервис. №2, 2017. - С. 109-114
9. Мурадова Н.У. Необходимость совершенствования маркетинговых исследований рынка инновационных лизинговых услуг. // Иқтисодиёт ва таълим. Илмий журнал. - 2016. - №4. - С. 111-115.; Мурадова Н.У., Ахмедова А.Т.Продвижение инновационных лизинговых услуг посредством маркетинга. //Сервис. - 2018. - №2. - С.94-96.
10. Очилор И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи.// Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг эчимлари. Монография. - Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2008.
11. Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишанкулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. - Т.: Шарқ, 2005. - 350 б.; Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2003. - 256 б.; Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия. - Тамбов: ГГУ, 2005
12. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 61-модда)
13. Баймуратов Т.М. Сугурга фаолиятида рисклар трансфери. Монография. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2005-196 б.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

Сардор Сагторов Абдимуродович,
Эшалиев Уткир Соатмуродович,
Холлиев Ислон Тура ўгли

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети Термиз филиали ўқитувчилари
E-mail: sardor.sattorov.89@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-1-4>

ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШДА TORA ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: Мақолада иқтисодий масалаларни ечишда TORA дастуридан фойдаланиш методикаси кўрсатилган. Шунингдек, иқтисодий масалаларни компьютер технологиялари асосида моделлаштиришнинг афзалликлари келтирилган.

Таянч тушунчалар: иқтисодий-математик модел, TORA дастури.

Сардор Сагторов Абдимуродович,
Эшалиев Уткир Соатмуродович,
Холлиев Ислам Тура угли

Преподаватели Термезского филиала
Ташкентского государственного педагогического
университета им. Низами
E-mail: sardor.sattorov.89@mail.ru

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРОГРАММЫ TORA ДЛЯ РЕШЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗАДАЧ

Аннотация: В статье описывается методология использования программного обеспечения TORa для решения экономических вопросов. А также преимущества моделирования экономических проблем с помощью компьютерных технологий.

Ключевые слова: экономико-математическая модель, программа TORa.

**Sardor Sattorov Abdimurodovich,
Eshaliev Utkir Soatmurodovich,
Xolliev Islom To'ra o'g'li**

Tashkent State Pedagogical University named after
Nizami Termez branch teachers
E-mail: sardor.sattorov.89@mail.ru

USING THE TORA PROGRAM TO SOLVE ECONOMIC PROBLEMS

Annotatsiya: The article describes the methodology for using TORA software to solve economic issues. There are also advantages of modeling economic problems with the help of computer technology.

Key word: economic-mathematical model, TORA program.

For citation: Сардор Сатторов Абдимуродович, Эшалиев Ўткир Соатмуродович, Холлиев Ислом Тўра ўгли. Иқтисодий масалаларни ечишда Тора дастуридан фойдаланиш. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 27-

Кириш

Бизга маълумки, амалий дастурлар мажмуалари - бу масалаларнинг белгиланган синфини ечиш учун ҳамкорликдаги дастурларнинг мажмуаси бўлиб, улар дастурлаш ва ушбу амалий дастурлар мажмуаларини қўллаш билан ечиладиган масалалар кирувчи соҳадаги белгиланган малакадаги фойдаланувчиларга мўлжалланган.

Фойдаланувчиларнинг амалий масалаларини ечиш учун мўлжалланган мажмуалар орасида услубий-мўлжалланган ва муаммога мўлжалланган мажмуаларни ажратиш мумкин. Услубий мўлжалланган мажмуа фойдаланувчининг масаласини мажмуада кўзда тутилган бир неча усуллардан бири билан ечишга мўлжалланган, бунинг устига усул ёки фойдаланувчи томонидан белгиланилади, ёки кирувчи маълумотларнинг таҳлили асосида автоматик танланади. Бундай мажмуага - қавариқли дастурлашни ё жарима вазифалари усули билан ёки эҳтимол бўлган йўналишлар усулларининг вариантларидан бири билан ечишга имкон берувчи математик дастурлаш мажмуаи мисол бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Одатда адабиётларда [1,2,3,4] Экстремал иқтисодий масалаларнинг ечимини топиш уч босқичга: иқтисодий- математик моделни тузиш; математик усулининг бирини қўллаб оптимал ечимни топиш; олинган натижага асосланиб тавсиялар ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш кабиларга бўлинади.

Хорижлик олимлардан М.Ю.Афанасьев, Б.П.Суворов, В.И.Борисович, Г.А.Кандауров, Н.Н.Кандауровларнинг фикрича иқтисодий-математик моделни яратиш шундан иборатки, яратилаётган математик модел ўрганилаётган иқтисодий жараённинг биринчи навбатда моҳиятини очиб бериши, масаланинг ўзига ҳос хусусиятини, яъни натижага таъсир этувчи ва уни чекловчи шартларни ҳисобга олиш керак[4,5].

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодиётга тегишли кўпгина оптималлаштириш масалаларининг аксарияти чизиқли тенгламалар ва тенгсизликлар системаси орқали ифодаланади. Шу нуқтаи назардан амалий дастурлар мажмуалари масалаларининг белгиланган синфини

ечиш учун мўлжалланганлиги сабабли математик дастурлаш деб аталувчи ана шундай масалаларни ечиш катта амалій аҳамиятга эгадир. Бу кўринишдаги оптималлаштириш масалаларини ечишни кўриб чиқамиз.

Куйидаги тенглалар системаси берилган бўлсин:

$$\begin{cases} a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + \dots + a_{1n}x_n = b_1 \\ a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + \dots + a_{2n}x_n = b_2 \\ \dots \\ a_{m1}x_1 + a_{m2}x_2 + \dots + a_{mn}x_n = b_m \end{cases} \quad (1)$$

Бу системани матрица кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$AX = B \quad (2)$$

бу ерда, $A = \overline{(a_{ij})}$ - (1) системанинг коэффициентларидан тузилган матрица, $X = (x_1, x_2, \dots, x_n)$ - вектор-сатр, $B = (b_1, b_2, \dots, b_m)$ - озод ҳадлардан ташкил топган вектор-устун. Бу система n та номаълумли m та чизиқли тенглалар системаси дейилади. Агар $n=m$ бўлса, A матрица квадрат матрица бўлади. Ана шундай матрицанинг детерминанти $|A| \neq 0$ бўлса, A^{-1} матрица A - матрицага тескари матрица мавжуд бўлади. (2.2) системанинг икки томонини A^{-1} - матрицага кўпайтириб, берилган системанинг ечими топилади:


$$X = A^{-1}B \quad (3)$$

Энди эса юқорида қараб чиқилган чизиқли алгебраик тенглалар системасини ечиш усулларида иқтисодийта фойдаланиш масаласига тўхталиб ўтайлик.

Маълумки, макроиқтисодийта кўп тармоқли иқтисодийта фаолият кўрсатади. Бу эса ўз навбатида тармоқларо балансни ўрнатишни талаб этади. Ҳар бир тармоқ бир томондан ишлаб чиқарувчи бўлса, иккинчи томондан бошқа тармоқлар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг истеъмолчиси ҳисобланади. Бу эса турли кўринишдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш орқали тармоқларо алоқани ҳисоб-китоб қилиш масаласининг пайдо бўлишига олиб келади.

Дастлаб ушбу муаммо математик модел кўринишида америкалик иқтисодчи В.Леонтьев илмий ишларида келтирилган. Бу модел чизиқли алгебраик тенглалар системасини таҳлил этишга асосланган.

Дастурнинг асосий менюсидаги (1-расм) биринчи қатор, яъни linear equations танланса,



1-расм.


Ушбу дастур ёрдамида берилган матрицага тескари матрицани топиш ва чизиқли тенгламалар системасини ечиш масалалари ҳал қилинади. Ушбу жараённи аниқ мисолда кўриб чиқамиз.

Мисол. Ушбу матрицага тескари матрица топилсин:

$$A = \begin{pmatrix} 1 & 2 & 3 \\ 3 & 1 & -1 \\ 4 & 2 & 1 \end{pmatrix}$$

Tora дастури ёрдамида ушбу масала қуйидагича бажарилади:

Linear equations менюсидаги ички менюдан Matrix Inversion қатори танланиб, Enter тугмачаси босилса, экранда қуйидаги мулоқот дарчаси пайдо бўлади (2-расм):



2-расм

Агар янги мисол киритмоқчи бўлсак, Enter New Problem қаторига, аввал хотирада файл сифатида сақланган мисолни юкламоқчи бўлсак, Select Existing File қаторига белги қўйилади.

Кейинги қадамда эса сонли қийматларнинг форматлари танланади. Матрицанинг қийматларини ўнлик каср кўринишида ифодалаш учун Decimal Notation(NNNNN.DD) қаторига, экспоненциал кўринишда ифодалаш учун эса Scientific Notation(N.NNNNeDD) қаторига белги қўйиш керак. Бу ерда N биринчи

ҳолда соннинг бутун қисмини, D - қаср қисмини кўрсатса, иккинчи ҳолда эса N лар соннинг мантиссадаги рақамлар сонини, D - даража кўрсаткичини ифодалайди.

Масалани ечишга ўтиш учун Go To Input Screen тугмачаси босилади. Натижада навбатдаги мулоқот дарчаси ҳосил бўлади (2.3-расм).

3-расм

Ушбу дарчадаги Problem Title сатрига масала сарлавҳаси, Nbr. of Variables сатрига эса ўзгарувчилар сони киритилгандан сўнг, Enter босилиб, берилган матрица элементлари киритилади (4-расм).


| | Column 1 | Column 2 | Column 3 |
|-------|----------|----------|----------|
| Row 1 | 1,00 | 2,00 | 3,00 |
| Row 2 | 3,00 | 1,00 | -1,00 |
| Row 3 | 4,00 | 2,00 | 1 |

4-расм

Ушбу матрицанинг тескарасини топиш учун юқоридаги дарчанинг пастки қисмида жойлашган Solve Menu тугмачаси босилади. Бу вақтда дастур фойдаланувчидан киритилган маълумотларни сақлаш ёки сақламаслик ҳақида сўрайди. Жавоб берилгандан сўнг кейинги мулоқот дарчаси ҳосил бўлади (5-расм).

5-расм

Мазкур дарчадан Solve Problem сатри танланиб, кейинги дарчада тескари матрица қўйматларининг формати танланиб, Go To Output Screen тугмачаси босилса масаланинг ечими экранда ҳосил бўлади (6-расм).



6-расм

Шу билан масала тўлиқ ечилди. Агар янги маълумотлар киритилмоқчи бўлсак, дарча пастида жойлашган View/Modify Input Data тугмачаси, асосий менюга қайтиш учун Main Menu тугмачаси ва дастурдан чиқиш учун Exit TOR& тугмачаси босилади.

Агар натижани қоғозга чоп қилмоқчи бўлсак, дарчанинг юқори қисмда жойлашган Write to Printer тугмачасидан фойдаланилади.

Мисол. Қўйидаги чизикли тенгламалар системасининг ечимлари топилсин.

$$\begin{cases} x_1 + x_2 - 2x_3 + x_4 = 6 \\ 2x_1 + x_2 + x_3 - x_4 = 3 \\ -x_1 + 2x_2 - x_3 + 2x_4 = 9 \\ x_1 + 2x_2 - x_3 + 2x_4 = 11 \end{cases}$$


Tora дастури ёрдамида ушбу мисол қўйидагича ечилади:

Linear Equations менюсидаги ички менюдан Linear Equations Solution қатори танланиб, Enter тугмачаси босилса, экранда ҳосил бўладиган мулоқот дарчаси ёрдамида тенгламалар системаси коэффицентлари форматлари киритилади ва Go To Input Screen тугмачаси босилиб, кейинги дарчада тенгламалар системасининг коэффицентлари киритилади (7-расм).



7-расм

Шундан сўнг Solve Menu тугмачасини босиш орқали мисолни ечишга ўтилади. Биринчи мисолдаги жараёнлар такрорлангандан сўнг тенгламалар системасининг ечими қуйидаги дарчадагидек ҳосил бўлади (8-расм).



8-расм

Хулоса ва тақлифлар

Иқтисодий масалаларни компьютер технологиялари асосида моделлаштириш ва ечиш бир неча афзалликларга эга:

- компьютерга киритилган масаланинг ечимини исталган пайтда олиш мумкин;
- масаланинг шартларини ўзгартириб, турли хил вариантдаги ечимларни таҳлил этиш мумкин;
- ҳисоб- китоб ишларига кетадиган вақт қисқаради ва - ҳисоблашлардаги хатоликнинг олди олинади;

- натижаларни тезда чоп этиш имкониятининг мавжудлиги;
- киритилган маълумотларни аниқ тасаввур этиш учун етарлича график имкониятларининг мавжудлиги ва бошқалар.

Тога амалий дастурлар мажмуаси билан чизиқли тенгламалар системасини ечиш, чизиқли дастурлаш масаласи, транспорт масаласи, бутун сонли программалаш масаласи, тармоқли моделлаштириш, лойиҳаларни режалаштириш, оммавий хизмат кўрсатиш масалалари, ноль йигиндили ўйинлар каби масалаларни ҳал этишга мўлжалланган.

References:

1. Акулич И.Л. Математическое программирование в примерах и задачах/ И.Л. Акулич.-М.: Высш.шк., 1986.-319 с.
2. М.М. Арипов, Т.Имомов, Р.М.Ирмухамедова, М.В.Сагатов, А.Т. Хайдаров, О.Х.Якубов "Информатика, информацион технологиялар" 1-қисм, Тошкент "ТДТУ", 2002.- 320 б.
3. М.М. Арипов, А. Аҳмедов, Х. З. Икрамова, Р. М. Ирмухамедова, М. В. Сагатов, А.Т.Хайдаров, О.Х.Якубов, М.Якубова "Информатика, информацион технологиялар" 2-қисм, Тошкент "ТДТУ", 2002.- 430 б.
4. Афанасьев М.Ю., Суворов Б.П. Исследование операций в конкретных ситуациях. - М.: Экономический факультет, ТЕИС, 1999. -87 с.
5. Борисович В.И., Кандауров Г.А., Кандауров Н.Н. и др. Прогнозирование и планирование экономики: Учеб.пособие .-М.:Ип "Экоперспектива",2000.-432 с.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

Тухлиев Искандар Суёнович,

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти
"Халқаро туризм ва туризм сервиси"
кафедраси профессори
Абдувалиев Асрор Абдусолиевич

ТАТУ Қарши филиали ассистенти
E-mail: aaasror@umail.uz



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-1-4>

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ГЕОАХБОРАТ ТИЗИМИНИ ТУРИЗМДА ЖОРИЙ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Туризм соҳасида геоахборот тизимларидан фойдаланиш меҳанизмларини такомиллаштиришнинг назарий ва услубий асослари ёритилган. Худудлар туристик салоҳиятининг геоахборот тизимини татқиқ қилиш ва амалиётга жорий қилиш услубий асослари ўрганилган.

Калит сўзлар: Туризмсоҳаси, геоахборот тизимлари, ахборот коммуникацион технология, меҳанизм, назарий асослар, услубий асослари, илғор технология, туризм индустрияси, инновация, интеллектуал, комбинация, илмий тадқиқот, ишланмалар.

Тухлиев Искандар Суёнович,

Доктор экономических наук, профессор
Самаркандский институт экономики и сервиса
Кафедра "Международный туризм и туристический сервис"
Абдувалиев Асрор Абдусолиевич

Ассистент Каршинского филиала ТУИТ
E-mail: aaasror@umail.uz

ПРАКТИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ВВЕДЕНИЕ В ТУРИЗМ ИННОВАЦИОННЫЕ ГЕОИНФОРМАЦИОННЫЕ СИСТЕМЫ

Аннотация: Рассмотрены теоретико-методологические основы совершенствования систем использования географических информационных систем в туризме. Изучены методологические основы изучения и внедрения геоинформационной системы туристического потенциала регионов.

Ключевые слова: туризм, геоинформационные системы, информационно-коммуникационные технологии, механика, теоретические основы, методологические основы, передовые технологии, индустрия туризма, инновации, интеллектуальные, комбинационные, научные исследования, разработки.

Tukhliev Iskandar Suyunovich,

Doctor of Economics, Professor
Samarkand Institute of Economics and Services
Department of "International tourism and tourism service"
Abduvaliev Asror Abdusolievich

Assistant of Karshi branch of TUIT
E-mail: aaasror@umail.uz

SPECIFIC PROCUREMENT IN THE INNOVATIVE GEOAXBORATE SYSTEM IN TOURISM

Abstract: Theoretical and methodological basics of improving the systems of geographical information systems use in tourism are covered. Methodological foundations of study and introduction of geo information system of tourist potential of the regions have been studied.

Key Words: Tourism, geo-information systems, information-communication technology, mechanics, theoretical foundations, methodological foundations, advanced technology, tourism industry, innovation, intellectual, combinational, scientific research, developments.

For citation: Тухлиев Искандар Сууюнович, Абдувалиев Асрор Абдусолиевич. Инновацион фаолиятнинг геоахборат тизимини туризмда жорий қилиш хусусиятлари. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 35-42

Кириш

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари иқтисодиётнинг барча соҳаларида самарали инновацион фаолиятга ҳар томонлама боғлиқ бўлмоқда. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) инновацион технологиялар, маҳсулотлар ва қурилмаларнинг улуши 60% ни ташкил этмоқда. Жаҳондаги кучли рақобат муҳитида инновацион фаолият интенсивлик ҳолати иқтисодий ривожланиш даражасига таъсир кўрсатади. Рақобат муҳитида инновацион фаолият учун қулай шарт-шароит яратган мамлакат ёки ҳудуд бугунги кунда иқтисодий ўсишга эришмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида миллий инновацион тизимни шакллантиришнинг барқарор ривожлантириш механизмларини яратиш омиллари сифатида Ўзбекистонда инновацион фаолиятнинг турли жиҳатларига тегишли бўлган ҳуқуқий-меъёрий база яратилган бўлиб, айниқса охириги икки йил мабойнида ҳукуватимиз томонидан бу борада муҳим фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда инновация тушунчасига нафақат турли хил таърифлар берилмоқда, балки бирини иккинчиси билан қиёслаб бўлмайдиган кўпгина ҳодисаларни ҳам қўшиб юбориш ҳолатлари кузатилмоқда, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга муурожаатномасида такидлаганидек "Инновация-бу келажак дегани" катта маънога

эга бўлиб, инновация келажакда жамият талаб қилган иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техник ёки бошқа турдаги самарага эришиш мақсадида янгиликни жорий этишнинг яқиний натижаси бўлиб ҳисобланади.

Ушбу масалалар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ўз аксини топгани бежис эмас. Стратегиянинг "Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари"га бағишланган 3-бўлимида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланишга қаратилган бир қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш, туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодийта унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлашга эътибор қаратилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Геоахборат тизими унинг ўзига хос хусусиятлари, туризмда фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш ва соҳага оид илмий тадқиқот ишлари билан қўплаб хорижлик олимлар шугулланишган. Жумладан, А.М.Берлянт, С.А.Кадничанский, Т.А.Трифорова, И.В.Мищенко, А.Н.Краснощеков, И.К.Лурье, В.Рлеве, А.Н.Робинсон, J.L.Morrison, P.C.Muchrcke, A.J.Kimerling, И.Балабановларнинг олиб борган илмий-тадқиқотлари алоҳида эътиборга лойиқ. Шунингдек Э.Ю.Сафаров, И.М.Мусаев, Х.А.Абдурахимов, И.С.Тухлиев, З.И.Усмонова, А.А.Абдувалиев, С.А.Абдухамидов, А.Н.Муҳаммадиев, О.Хамидов ва бошқа мамлакатимиз олимлари ҳам геоахборот тизимлари ва туризмда геоахборот тизимларидан фойдаланиш масалалари билан шугулланишган. Шунингдек, ушбу олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида геоахборот тизимининг хусусиятлари, геоахборот тизимларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим И.С.Тўхлиевнинг таърифига кўра, туризм бу - туристлар томонидан амалга оширилувчи, аниқ белгиланган туристик мақсадларга эга оммавий саёҳатлар туридир .

Аввало, туризмни ривожлантириш ўзига хос табиатига кўра бир қатор ресурсларга, шу жумладан, географик омил ва минтақа хусусиятларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам юқори туризм салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришни мақсад қилар эканмиз, буни амалга оширишга минтақавий жиҳатдан ёндашиш лозим. Чунки, минтақаларда туризмни ривожлантириш бутун бир мамлакат туризм соҳасининг ривожланишига ҳисса қўшади.

Минтақавий туризмни ривожлантиришда туризм бозори муҳим ўрин тутди. Россиялик иқтисодчи И.Т.Балабановнинг фикрича, "Туризм бозоритурistik

маҳсулот истеъмолчилари ва сотувчилари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат".

Иқтисодчи олим О.Х.Хамидовнинг эйтирофи этишича "Туризм мураккаб, кўп қиррали тушунча бўлиб, у экологик барқарор ривожланиш йўналиши сифатида ўзаро боғлиқ тармоқлар мажмуаси, бир вақтнинг ўзида фаолият тури, рекреация шакли, миллий иқтисодий тармоғи ва бўш вақтни кўнгилли ўтказиш усули бўлиб, кўплаб янги иш ўринлари, қўшимча даромадлар яратиш ва талбиркорликни ва минтақалар иқтисодийтини ривожлантиришнинг муҳим манбаи сифатида, бой ва хилма-хил табиат, маданий-тарихий объектлардан табиат муҳофазаси ва экологик хавфсизликни таъминлаш асосида томоша қилиш орқали самарали фойдаланиш йўналишларини белгилайди .

Тадқиқот методологияси

Илмий тадқиқот методологияси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича фармон ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

Туристтик хизматларни диверсификация қилишда ХХI асржаҳон ҳамжамияти ўз ривожланишининг янги даврига кирди - жамият ҳаётида ахборот ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Ушбу жараён туризм соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда туризм маҳсулотини шакллантириш, сотиш ва реализация қилиш етарли даражада ахборотни қўллаб-қувватламасдан мумкин эмас. Уларнинг иши туризм ва саёҳат бошқаруви органлари доимий ахборот-интенсив сектори сифатида туристик бизнес халқаро интеграцияси учун асос бўлиб келмоқда.

Бугун туризм мутахасислари ҳудудларни туристик салоҳияти ва айни пайтда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ривожланиши учун дастурлар ишлаб чиқишни ўрганиши ва турли дистрибуция-макон жиҳатларини тавсифловчи маълумотлар тури билан шуғулланиш керак бўлмоқда. Ушбу турдаги ахборотларни қайта ишлашнинг ажралмас қисми географик ахборот тизимлари (ГАТ) ҳисобланади.

"Географик ахборот тизими - бу ахборат умумий комплекс, яъни янгилаш, манипуляция, таҳлил қилиш ва географик мос ёзувлар қилинган маълумотлар барча шакллари кўрсатиши мумкин бўлган дастурий таъминот ва аппарат тизими". ГАТнинг хусусиятларига фазовий; маълумотлар тузилмаси; амалий-муаммоли йўналиши; геологик ўрганиш ва комплекс хариталашга ва тизимли ёндашувни таъминлаш; мослашувчанлик ва кўп ечимли масалаларини ҳал қилиш, муҳим параметрларни тавсифловчи геоахборотларни таҳлил қилиш имкониятини беради ва б.қ.


ГАТ ҳудуддаги юзага келадиган ҳар қандай вазиятга зудлик билан жавоб беришга имкон беради, бу ҳақда барча керакли картографик ва тематик маълумотларни олиш мумкин. Улар ҳар қандай хариталар, режалар ва схемаларни бир вақтнинг ўзида қуриш имкониятини беради.. ГАТга асосланиб, турли жараёнларни, ҳодисаларни ифода қила оласиз ва ўша вақт ичида уларнинг ҳолатини ўрганишингиз мумкин бўлади.

ГАТ нинг тузилиши, одатда, тўртта мажбурий кичик тизимни ўз ичига олади:

- турли манбалардан (хариталар, ва ҳоказо) олинган кенгайтирилдиган маълумотларни киритиш ва ишлашни таъминловчи маълумотларнинг киритилиши;

- таҳлил қилиш учун ўз вақтида маълумотларни олиш, уларни янгилаш ва уларни тўғирлаш имконини берадиган сақлаш ва олиш;
- параметрларни баҳолаш, ҳисоблаш ва аналитик муаммоларни ҳал қилиш имконини берадиган тавсиф ва таҳлил;
- турли шакллардаги маълумотларни (хариталар, жадваллар, блок диаграммалар, жойларнинг рақамли модели ва ҳқ) тақдим этиш.

Геоахборот тизимлар ҳудудий равишда тарқалган ахборот ишлатилган ва ҳудудий таҳлил, ҳудудий баҳолаш ва ҳудудий прогнозга эҳтиёжи мавжуд бўлган ҳар бир жойда илмий ва амалий фаолиятларда жой топади.



1-расм. Геоахборот тизимлар

Ҳозирги пайтда ГАТ технологиялари туристик дизайни ва туристик ресурсларни эксплуатация қилиш жараёнида ва туризм индустриясининг объектларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. ГАТ харитаси яратилган бўлса, ГАТ дастури, ҳудудларнинг салоҳияти, режалари, хизмат кўрсатиш сифати тўғрисидаги маълумотлар, хоналарнинг суратлари, туристик ресурслар, оригинал маҳаллий таомлар номлари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

ГАТ минтақада туризмни узоқ муддатли режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда алоҳида ўрин тутди. Мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон туристик қўлами ва тарихий обидалари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўнта мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Мамлакатимизда туристик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш мақсадида янги замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари, аэропортлар ва транспорт коммуникациялари барпо этилмоқда, янги туристик маршрутлари ишлаб чиқилмоқда, сервис хизмати тубдан яхшиланмоқда.

Туризм борасидаги улкан салоҳиятни чет элларда оммалаштириш, юртимизга туристларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида мамлакатимиз туристик ташкилотлари йирик халқаро туристик кўргазмаларида мунтазам иштирок этмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида туризмни ривожлантиришга доир манзилли дастурлар, экотуризм, альпинизм, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, балиқ ови, рафтинг, геотуризм, маданий-маърифий туризм каби янги туристик турлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда халқаро туризм билан бир қаторда ички туризмни ҳам изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, ички туризм иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Шу боис мамлакатимизда ҳудудларнинг туристик имкониятларини ошириш ва тарғиб этиш, санаторий-курортлар ҳамда туристик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда манзилли ГАТ дастурларини амалга ошириш лозим бўлмоқда.

Мамлакатимизда янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, тарихий-археологик боғлар барпо этиш, қишлоқ жойларда туризм ва туристик хизматларни ривожлантириш, автомагистрал йўллар, сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини барпо этиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юртдошларимизнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилиши учун қулай шароит яратиш имконини бермоқда.

Туризм бозорининг барча тузилмалари - туроператорлар, турагентлар, йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари ҳамда хусусий отеллар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, авиаташувчилар, глобал буюртма тизимлари, турбизнес ва бошқа туристик хизматларининг дастурий таъминотчилари, музейлар ҳамда маданий ҳордиқ чиқариш ва дам олиш санвати корхоналарининг хизматлари, туризм соҳасига ГАТтехнологияларни жорий қилиш таклиф этилади.


ГАТтехнологияси кенг камровли тармок булиб, унда бизнес, экологик, спорт ва маърифий саёҳат, экскурсия, меҳмонхона ва ресторан сервиси, соҳага доир кўчмас мулк ва суғурта, соғломлаштириш каби йўналишларга оид бўлимлар иш олиб боради.

Туризм соҳасини бошқариш ташкилотлари ва туристик фирмалар ўз ишида доимо ахборот технологияларини ўзлаштиришмуаммосига дуч келмоқда. Ахборот технологиялари-туризм бизнесининг халқаро интеграциясини ахборот билан тўйинган соҳаси сифатидаги зарурий шарт-шароитлари ҳисобланади. Ҳудуднинг туристик салоҳиятини тадқиқ этишда ва уларнинг дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзлаштиришда мутахассислар туризм дистрибуциянинг турли томонларини ифодаловчи кўпгина ахборотларга тўқнаш келмоқдалар.



2-расм. Туризм соҳасида қўлланилувчи ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимлари

Бундай турдаги ахборотларга ишлов беришнинг алмаштириб бўлмайдиган воситаси бугунги кунда геоахборот тизимлари бўлиб ҳисобланади (ГАТ). Умумий маънода ГАТ - маконда мувофиқлаштирилган маълумотларни йиғиш, сақлаш, уларга ишлов бериш, кириш, уларни акс эттириш ва кенг тарқатиш каби амалларни бажарувчи ахборот тизими бўлиб ҳисобланади.



3-расм. Геоахборот тизимининг тuzилиши

Ўзбекистонда ягона туристик геоахборот тизимини ишлаб чиқиш бир вақтнинг ўзида туристик ресурслар ва объектлар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ҳамда таҳлил қилиш, ягона усул асосида туризмни ривожлантиришнинг минтақавий ГАТ ларини шакллантириш билан амалга оширилиши зарур бўлмоқда.

Хулоса ва тақлифлар

ГАТ ҳудуд тўғрисида барча зарурий картографик ва мавзули ахборотларни олиш орқали, ҳудудда юз берадиган ҳар қандай вазиятга оператив жавоб бериш имконини беради. У исталган харита, режа ва схемаларни бир вақтнинг ўзида тузиш билан картометрик тадқиқотлар ўтказишдан иборат. ГАТ асосида турли жараёнларни, ҳодисаларни моделлаштириш ва вақт давомида уларнинг ҳолатини ўзгаришини ўрганиш мумкин. Масалан, экологик вазиятни ўзгаришини, табиий офатларнинг ўзгаришини ва ҳ.к. ГАТ таркиби ва уни тўлдириш ечиладиган илмий ва амалий вазифалар билан аниқланади. Уларнинг ичида энг муҳим вазифалар сифатида ресурслар инвентаризацияси (кадастр), таҳлил қилиш, баҳолаш, мониторинг ўтказиш, бошқариш ва режалаштириш, қабул қилинган қарорларни қўллаб қувватлаш ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда уларни одатда туристик хариталар, буклетлар ва ичига харита ҳамда схемалар кирадиган бошқа электрон, нашрли маҳсулотларни тайёрлаш учун фойдаланилмоқда.

Ҳозирги пайтда ўзида бой тарихий-маданий меъросга, ноёб табиий салоҳиятга эга бўлган минтақалар учун қуйидаги вазифаларни ечишга ёрдам берувчи кенг профилдаги амалий геоахборот тизимини шакллантириш зарур бўлмоқда:

ҳудуднинг табиий ва тарихий-маданий ёдгорликларини, туризмга хизмат кўрсатувчи корхоналарни ва туризм йўналишларини ҳисобга олиш; туристлар оқимини таҳлил қилиш;

ҳудуднинг ривожлашини режалаштириш ва ҳ.к.

Туризм соҳасида геоахборот тизимини зарурий элементи бўлиб тарихий-маданий объектларнинг, туристик маршрутларнинг, туризм инфратузилмаси объектларини маълумотлар базасини ва банкни шакллантириш, ҳисобланади. Ягона туристик ГАТнинг ҳақиқий фойдаланувчиларини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

- минтақаларда туризмни ривожлантиришни режалаштирувчи республика субъектлари маъмурияти (вазирликлар, қўмиталар, департаментлар, бўлимлар ва ҳ.к.);
- турмаҳсулотни ишлаб чиқиш билан шугулланувчи туризм бозори субъектлари (туроператорлар, экскурсия фирмалари, турфирмалар ва меҳмонхоналар);
- инвесторлар (барча мулк шаклида);
- илмий - таълим муассасалари;
- туризм хизмати истеъмолчилари-туристлар ва саёҳатчилар.

Ҳозирги пайтда ўзида бой тарихий-маданий меросга, ноёб табиий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон ҳудудлари учун қатор вазифаларни ечишга ёрдам берувчи кенг профилдаги амалий геоахборот тизимини (ГАТ) шакллантириш давр талаби ҳисобланади. Мақолада туризм соҳасини бошқаришдаги геоахборот тизимини шакллантиришнинг ўта муҳим ҳисобланган вазифалари батафсил кўриб чиқилди. Ўзбекистонда ягона туристик геоахборот тизимини ишлаб чиқиш бир вақтнинг ўзида туристик ресурслар ва объектлар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ҳамда таҳлил қилиш, ягона усул асосида туризмни ривожлантиришнинг минтақавий ГАТларини шакллантириш таклиф қилинмоқда.

Мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, унинг ЯИМ даги улушини ошириш, катта ишчи кучи салоҳиятига эга аҳолини янги ишчи ўринлари билан таъминлаш мақсадида инновацион фаолиятнинг геоахборот тизимини туризмда жорий қилиш ва тегишли дастурлар ишлаб чиқишга асос яратадиган мукамал илмий тадқиқотларни олиб бориш зарур бўлмоқда.

References

1. M.R.Boltaboev, I. Tukhliev, B.Sh.Safarov, S.A.Abduxamidov. Tourism: theory and practice. Textbook. T: Science and Technology in 2018
2. Morozov, MA Information technologies in the socio-cultural service and tourism. Office equipment. [Text]: textbook for universities in the specialty "Socio-cultural service and tourism" / M. A. Morozov, N. S. Morozova, M: Academy, 2006. - 240 p.
3. Safarov E.Yu., Musaev I.M., Abdurakhimov X.A. Geografikaxborotizimativoteknologiyalari. - Tashkent, TIMI, 2009.
4. Plewe B. GIS Online: Information Retrieval, Mapping, and the Internet. - Geoinformation, International, Cambridge, UK, 1997. - 311 p.
5. Kotler F, Bowen D., Meinenz D. Marketing hospitality, tourism. Per. from Eng. / Ed. prof. R.B.Nazdreyov. - M.: Unity, 1998, p. 257
6. Keller P., Destination marketing: Strategic areas of inquiry, in M.Manente e M.Cerato(eds.), From destination to destination management e marketing, Ciset, Venezia, EdizioneLibreriaEditriceCafoscarina S.c.r.l.,2000, p.30
7. Қапанг: Ritchie.J.&Crouch.G., The competitive destination: A sustainable tourism perspective.,Oxon. CABI., 2003., Morgan N., Pritchard A.,&Pride R., Destination branding., Oxford, Butterworth-Heinemann, 2002., Davidson R.&Maitland R., Tourist destinations., London. Hodder and Stoughton, 1997.
8. A.Y.Aleksandrova Tourist clusters: content, boundaries, mechanism of functioning // Modern problems of service and tourism. 2007. № 1
9. S.N. Putilina Dictionary of international tourist terms. M.: OOO Knigodel: MATGR, 2005. - 466 p.
10. To'xliyev I.S, Kudratov GX, Pardaev M.K. Tourism planning. Textbook - Tashkent, publishing house "Economy and Finance". 2010.-254 pages.
11. Balabanov I.T., Balabanov A.I. Tourism Economics: Textbook. pos. - M.: Finance and Statistics, 2003. - 176 p.
12. Khamidov O. Improving the mechanism of environmental tourism development in Uzbekistan. dock dissertation Tashkent, 2017.-252 b.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ
JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

Илхомова Й.С.,

доцент, Тошкент молия институти и.ф.н.,
Самижонов А.

МИХ-60 гуруҳ талабаси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-1-6>

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ
ЗОНАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ
ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада Навоий ҳамда Бухоро вилоятларининг саноат маҳсулотлари ҳажми, тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси, асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиши, ташқи савдо кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинган. Эркин иқтисодий ҳудуднинг мамлакат вилоят иқтисодийига таъсири юқоридаги кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижаси асосида Навоий вилоятида ЭИХнинг ҳозирги ҳолати баҳоланган ҳамда таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: Эркин иқтисодий ҳудуд, Навоий, Бухоро, тадбиркорлик, саноат маҳсулотлари ҳажми, асосий капиталга инвестициялар.

Ильхомова Ю.С.,

К.т.н., доцент,
Ташкентский Финансовый Институт
Самижонов А.,

Студент МИХ-60

АНАЛИЗ НАПРАВЛЕНИЙ РАЗВИТИЯ СВОБОДНОЙ
ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЗОНЫ В НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Аннотация: В этой статье анализируется сравнительный анализ промышленного производства, уровень развития предпринимательства, рост инвестиций в основной капитал, внешняя торговля в Навоийской и Бухарской областях. Влияние свободной экономической зоны на региональную экономику было проанализировано на основе вышеуказанных показателей. По результатам анализа было оценено текущее состояние СЭЗ в Навоийском областе и выработаны рекомендации.

Ключевые слова: Свободная экономическая зона, Навои, Бухара, предпринимательство, промышленная продукция, инвестиции в основной капитал.

Ixomova Y.S,

Ph.D., docent .
Tashkent Financial Institute
Samijonov A.,

The student of MIX-60

ANALYSIS OF THE DEVELOPMENT DIRECTIONS OF THE FREE ECONOMIC ZONE IN NAVOI REGION

Abstract: This article analyzes the comparative analysis of industrial production, the level of development of entrepreneurship, the growth of investment in fixed assets, foreign trade in the Navoi and Bukhara regions. The impact of the free economic zone on the regional economy was analyzed on the basis of the above indicators. Based on the results of the analysis, the current state of the FEZ in the Navoi region was assessed and recommendations were made.

Key words: Free economic zone, Navoi, Bukhara, entrepreneurship, industrial products, investment in fixed assets.

For citation: Илхомова Й.С., Самижонов А.Навоий вилояти эркин иқтисодий зонасининг ривожланиш йўналишлари таҳлили. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 43-49

Кириш

Мамлакатимизда "Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида"[1] ги Қонун лойиҳасини тайёрлаш 1995йилдан бошланган эди.[2] Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш асослари, йўналишлари ва имкониятлари кўриб чиқилиб 1996йилда"Ўзбекистон Республикасининг эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонунга мувофиқ, Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудуд деганда аниқ белгиланган ҳудудга эга бўлган, маълум ҳуқуқий асосларга амал қилган ҳолда фаолият олиб борадиган, стратегик мақсади чет эл капиталини жалб қилишга қаратилган мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига кучли таъсир кўрсатувчи ҳудуд тушинилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

"Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, эркин иқтисодий зоналар мамлакатимизда эркин савдо зоналари, эркин ишлаб чиқариш зоналари, эркин илмий-техникавий ва бошқа зоналар тарзида тузилиши мумкин. Қонуннинг 7-моддасига кўра, эркин ишлаб чиқариш зоналари - тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик-молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиби жорий этиладиган ҳудудлар бўлиб, ўз ичига экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш зоналари, агрополислар, тадбиркорлик зоналари ва бошқа эркин зоналарни олади. Албатта, эркин ишлаб чиқариш зоналарида иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш орқали истиқболли технологияларни жорий этиш, пировардида маҳаллий хомашёлар асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ""Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлиқ-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида" фармони[8] мувофиқ мамлакатда янги ихтисослаштирилган ҳудудлар шаклланди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони[10] мувофиқ "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналари номини бирхиллаштириш мақсадида уларни "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналар, деб аташ белгиланди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги кунда "Навоий" ЭИХ да 62 та корхона бўлиб, шундан 19 та чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолият юритмоқда.[10] Уларнинг асосий қисми Жанубий Корея (Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари йилдан-йилга кенгаймоқда. Навоий вилоятида Жанубий корейлик сармоядорлар иштирокида ўндан ортиқ қўшма корхона самарали фаолият юритаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир), Хитой Халқ Республикаси, Сингапур, Ҳиндистон ва Бирлашган Араб Амирликлари капитали иштирокидаги корхоналардир. 2015 йилда бу ердаги корхоналар томонидан қарийб 184 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва 5 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинган.[10] 2016 йил охирига кўра, "Навоий" ЭИХда 150 млн АҚШ доллари миқдорига 30 та лойиҳа амалга оширилган, шулардан 40 млн АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.[5] "Навоий" ЭИХда 2017 йилда 20,1 млрд сўмлик божхона тўловларидан имтиёзлар қўлланилган.[3]

"Навоий" эркин иқтисодий зонаси ўзининг қулай географик жойлашуви, логистика имкониятлари юқорилиги билан инвесторларни ўзига жалб қилиб келмоқда. "FDI" халқаро журнали томонидан ўтган йилда мазкур иқтисодий ҳудуд субъект Марказий Осиёдаги "2016 йилнинг энг яхши эркин иқтисодий зонаси" сифатида эътироф этилган.[6] Бундай эътироф ҳудуднинг самарали фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Шу сабабли "Навоий" ЭИХ ҳудудида жойлашган асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, хом ашё, материаллар ва бутовчи қисмларни эркин божхона зонаси режимидан божхона тўловларини тўламасдан, экспорт божхона юк декларацияси, сертификатлар ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида рухсат берувчи бошқа ҳужжатларини тақдим этмасдан эркин муомалага чиқариш режимига қайта расмийлаштиришга рухсат этилди.[7]


ЭИХларнинг ривожланиши ҳудуддаги саноат маҳсулотлари ҳажми, тadbirkorликнинг ривожланиш даражаси, асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиши, ташқи савдо кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади. Жумладан, ушбу кўрсаткичлар тизими бўйича 2008 йилдан бошлаб фаолият олиб бораётган "Навоий" эркин иқтисодий ҳудуди жойлашган Навоий вилояти ҳамда 2016 йилдан бошлаб фаолият олиб бораётган "Ғиждувон" ЭИХ жойлашган Бухоро вилоятларини таҳлил қилдик.



1-расм. Навоий ҳамда Бухоро вилоятларида ЯҲМнинг ўсиш тенденциялари*

*Расм Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.


Шуни ҳам алоҳида этиборга олиш лозимки, 2007 йилда Бухоро вилоятининг ЯҲМ ҳажми 1 388,7 млрд сўм, Навоий вилоятининг ЯҲМ ҳажми 1 887,6 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йилдан бошлаб эркин иқтисодий ҳудуднинг ташкил этилиши вилоят ЯҲМ ҳажмида ҳам ўз аксини топган. 2016 йилда Навоий вилоятининг ЯҲМ ҳажми 10 542 млрд сўм, Бухоро вилоятининг ЯҲМ ҳажми 10 924 млрд сўмни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткич бўйича Бухоро вилоятининг ўсиш суръатлари Навоий вилоятидан катта. Аммо ушбу кўрсаткични таҳлил қилаётганда аҳоли сони ҳам аҳамиятга эга. Икки вилоятнинг иқтисодий кўрсаткичларини бошқа кўрсаткичлар бўйича таҳлил қиламиз ва хулосага эга бўламиз.



2-расм. Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳудудлардаги улуши*

*Расм Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2016 йилда ҳудудлар кесимида саноат ишлаб чиқаришнинг аҳоли жон бошига ҳажми Навоий вилояти - 11395 минг сўм, Тошкент шаҳри - 9761 минг сўм, Тошкент вилояти - 5998 минг сўм, Сирдарё вилояти - 4421 минг сўм ва Қашқадарё вилояти - 3151 минг сўмга тўғри келади.



3-расм. 2016 йилда ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (минг сўм)*

**Расм Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*


Навоий вилоятида бундай натижанинг сабаби сифатида ҳудудда йирик тадбиркорликнинг ривожланиши ҳамда ЭИҲнинг деярли ўн йилдан бери фаолият кўрсатиши билан боғлаш мумкин.



4-расм. Бухоро ҳамда Навоий вилоятларида саноат маҳсулотлари ҳажми, амалдаги нархларда, млрд сўм*

**Расм Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*


Юқоридаги жадвал асосида Навоий вилояти саноат маҳсулотлари ҳажми 2016 йилда 2000 йилга нисбатан 50 баробарга ошган бўлиб, 10657,9 млрд сўмни ташкил этган. Бухоро вилоятида бу кўрсаткич 5569,6 млрд сўмни ташкил этиб, 44 баробарга ўсиш кузатилган.



5 -расм. Экспортда кичик бизнеснинг ҳудудлардаги улуши*

**Расм Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*

Навоий вилояти экспортда кичик бизнеснинг ҳудудлардаги улуши бўйича олдинги ўринларда эмас. Бунга асосий сабаб, вилоят экспорти улушида Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоий Цемент" заводи ва шунга ўхшаш ЭИХда жойлашган йirik корхоналар улушига тўғри келишидир.



6-расм. 2016 йилда аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръати (фоизда)*

**Расм Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*

Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри - 4243,4 минг сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига

нисбатан 131,0 %, мос равишда Бухоро вилояти - 3146,8 минг сўм ёки 120,9 %, Қашқадарё вилояти - 2305,7 минг сўм ёки 107,6 %, Навоий вилояти - 3043,7 минг сўм ёки 145,2 %, Сирдарё вилояти - 1557,3 минг сўм ёки 106,5 % миқдорларида қайд этилди.

Шуни айтиш лозимки, Навоий вилояти сўнгги йилларда аҳоли жон бошига даромад миқдори бўйича ҳам (7 594.8 минг сўм) мамлакатда Тошкент шаҳридан кейинги икинчи ўринда туради.

Хулоса ва тақлифлар

Юқоридагилар асосида қуйидаги хулосаларга келамиз:

- Таҳсиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, "Навоий" ЭИХда ташкил этилган корхоналарнинг аксарияти тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда хом ашёни импорт қилиш ҳисобига фаолият юритмоқда. Фикримизча, "Навоий" ЭИХда фаолият юритаётган корхоналар кўпроқ маҳаллий хом ашёдан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида корхонага хом ашё етказиб беришда маҳаллий тадбиркорларнинг иш фаолияти кенгайди, энг муҳими, ЭИХнинг катализаторлик хусусияти, унинг миллий иқтисодиётимизга интеграциялашганлик даражаси ортисига эришилади.

- Эркин иқтисодий ҳудуд жойлашган вилоятнинг ЯММ ҳажми бошқа ҳудудларга нисбатан юқори бўлади;

- ЭИХлар вилоятнинг саноат ишлаб чиқариши, тадбиркорликнинг ривожланиши ва инвестициялар оқимининг турли кўрсаткичларида яққол кўзга ташланади;

- ЭИХларни ташкил этиш орқали мамлакат аҳоли яшаш даражасини ошириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, мамлакат очиқлик даражасининг ошишига эришади;

- "Навоий" ЭИХ мисолида кўрганимиздек, жаҳон ҳўжалигига интеграциялашув билан биргаликда ЭИХларни ташкил этиш орқали мамлакатда тадбиркорлик (барча шакллари), саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳолининг яшаш даражасини ошириш имконияти мавжуд бўлади.

References

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 58-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2009 й., 39-сон, 424-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда)
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.02.1995-йилдаги "1994-йилдаги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва уларнинг келажакдаги йўналишлари" тўғрисидаги Қарори
3. Назаров А. ЭИЗ: истиқболли инвестицион лойиҳалар, мақсалли сармоёлар. Бозор, пул, кредит. №9. 70 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари
5. Годовой отчет состояния экономике и основных направлений внешнеэкономической деятельности Республике Узбекистан за 2016 год. Торговое представительство Российской Федерации в Республике Узбекистан, г. Ташкент, 2017 г. Ст.111-115
6. [Электрон ресурс]:<http://navoiy.uz/navoiy/1189-navoiy-erkin-i1178tisodiy-zonasida-yangi-loyi1202alarm.html>
7. [Электрон ресурс]: <http://kommersant.uz/uz/yangiliklar/eiz-ishtirokchilari-kamchilik-va-yutu-lar>
8. <https://president.uz/uz/lists/view/464>
9. [Электрон ресурс]:<http://kun.uz/17422608>
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат дастурлари портали. Dd.gov.uz/uz/news/198 26.10.2017: 18:39

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ
JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

Ilhomova Y.S.,

Tashkent financial institute PhD,
Murodaliyeva Marhaboxon, Rustamova Kamola,
Mirramazonova Madinabonu,

Students



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-1-7>

**THE NEED TO IMPROVE THE FINANCIAL
SUSTAINABILITY OF THE PENSION FUND**

Annotation: This article outlines the work that is being done to improve the pensions and pension fund in Uzbekistan. It also deals with problems and shortcomings in the system and ways to overcome them.

Key words: Pension fund, pension system, payment of funds, social insurance, employee benefits.

Ilhomova Y.S.,

Toshkent moliya instituti, PhD,
Murodaliyeva Marhaboxon, Rustamova Kamola,
Mirramazonova Madinabonu,

Talabalar

**PENSIYA JAMG'ARMASINING MOLIYAVIY
BARQARORLIGINI MUSTAHKAMLASH ZARURIYATI**

Annotatsiya: Ushbu maqolada O'zbekistonda pensiya va pensiya jamg'armalarini takomillashtirish bo'yicha olib borilayotgan ishlar yoritilgan. Shuningdek, tizimda muammolar va kamchiliklar hamda ularni bartaraf etish yo'llari bilan ham bog'liq.

Kalit so'zlar: Pensiya jamg'armasi, pensiya tizimi, pul mablag'lari, ijtimoiy sug'urta, xodimlar nafaqalari.

Ильхомова Ю.С.,

Ташкентский финансовый институт PhD,
Муродалиева Мархабоксон, Рустамова Камола,
Миррамазонова Мадинабону,

Студенты

**НЕОБХОДИМОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ
УСТОЙЧИВОСТИ ПЕНСИОННОГО ФОНДА**

Аннотация: В этой статье описывается работа, которая проводится для улучшения пенсий и пенсионного фонда в Узбекистане. Также рассматриваются проблемы и недостатки в системе и способы их преодоления.

Ключевые слова: Пенсионный фонд, пенсионная система, выплата средств, социальное страхование, выплаты работникам.

For citation: Ilhomova Y.S, Murodaliyeva M.,Rustamova K.,Mirramazonova M.The Need To Improve The Financial Sustainability Of The Pension Fund. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 50-53

In accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 30, 2009 "On measures to further improve the system of pensions of citizens", the functions of the Pension Fund include the Ministry of Labor and Social Protection of the Republic of Uzbekistan as well as by transferring the functions of certain units responsible for medical and labor expertise.[1]

In recent years, the quality of public services, timely funding of pensions and social benefits, ensuring sustainable income, as well as strengthening the material and technical base of all structural units using the new software is one of the priorities of its activities.

In order to improve the financial sustainability of the pension fund and activate the investment policy, it is necessary to pay serious attention to the analysis of the financial sustainability of the country's pension system in the data analysis process. This, in turn, should reflect the fundamental dynamics of the main indicators of the pension system, while maintaining current trends and rules. Information analysis should answer the question of whether it is possible to finance financial obligations, identify its main vulnerabilities and show ways to overcome it.[2]

It is estimated that the amount of the annual expenses of the Pension Fund in 2017 began to exceed annual income. However, the Pension Fund deficit can be compensated for the remainder of the funds during this period. And from 2018 it will be impossible.

The potential revenue deficit of the pension fund is the main predecessor of the modern pension system of Uzbekistan. To prevent social tensions from arising, it must be reimbursed through the state budget. In this case, it will lead to a reduction in public investment expenditures, expenditures on education and health care. It will also lead to a decrease in economic growth and a deterioration in the quality of human capital.

In our opinion, this process should remind: current estimates of the wage fund and GDP growth can be optimistic. Therefore, no one can guarantee that the Pension Fund deficit will not be higher than expected.

It is also important to forecast the current state of the funded pension system in Uzbekistan and its income and expenses for 2015-2030. It should be noted that, first of all, by January 1, 2016, the number of persons with individual accumulative pension accounts exceeded 9 million. The amount of income from contributions of the employer exceeded 1.5 trillion. Sumy. At the same time, the share of funds accumulated in relation to an increase in accounts, receipts and wages is increasing. Especially over the last 4-5 years, the volume of voluntary contributions and voluntary contributions has increased dramatically. At the same time, the costs associated with the payment of funds from the pension fund are also growing.

In addition, one of the main indicators of the citizens' pension system is the retirement age. The analysis shows that the average retirement age in the world is 62 years for men and women, while in Uzbekistan this figure is 57.5 years (55 years for women and 60 for men).

The incentive mechanism for the continuous and long-term involvement of citizens in the social insurance system remains complex and transparent. The working population is about 60 percent (about 17 million), and about 10.2 million are not covered by state social insurance. That is, they do not make social contributions to the extra-budgetary pension fund.

According to the requirements of the International Labor Organization, the share of payers for the sustainable development of the country's pension system should be in the ratio of 1: 4 to pensioners. However, today Uzbekistan has an average of 1: 1.5.

It should be noted that the ratio of pensioners to the working population increased from 61 percent in 2009 to 66 percent in 2017.

A significant part of the Pension Fund is spent on preferential pensions. The share of pensions allocated on preferential terms is 592.4 thousand. People or 19.5% of the total amount of pensions, of which the age pension is 23.7%. On average, 39.8 thousand concessional pensions are assigned annually.

There is also a lack of relationship between the amount of retirement and the duration of retirement. The existing pension system implies the retirement of persons with at least 7 years experience. This right is only 7 years, which makes it possible to retire people who have made the least contribution to the formation of the Pension Fund for the period of full employment.

The minimum standards of the International Labor Organization in the field of social safeguards provide that a minimum age of 15 years is required for retirement. The minimum work experience in many countries, including the CIS, has been reached 10-15 years.

The minimum requirement of 7 years for work experience adversely affects the participation of citizens in state social insurance. For example, the difference between the retirement age of a person with 30 years of work experience (it takes 25 years) and an old-age pension for a 10-year-old male worker (the minimum is 7 years) is about 200,000 soums.

Unconditional mechanisms to encourage long-term and continuous participation of employers in social insurance force them to look for new ways to avoid paying premiums.

All this requires a review of the main approaches to the social security pension system.

Thus, the draft concept of reforming the state pension system provides for the promotion of employee benefits and the retirement of retirement pensions. In our opinion, at present, the cumulative pension system is not a measure of supplementary pension coverage for the population, but is a quasi-fiscal operation to subsidize the Halyk Bank. Because at low interest rates on the deflator and fixed deposit rates on funds placed on savings pension accounts.

Thus, the accumulated system used in practice does not guarantee the retention and increase of pension funds. It does not encourage the legitimization of incomes of the population and entrepreneurs for the purpose of retirement. In case of preservation of the existing mechanism of the funded system, the increase in the share of the funded

pension system of the Republic of Uzbekistan does not have its own economic (financial) value, since it adversely affects the income level of future pensioners.[3] On the other hand, it is impossible to improve the financial sustainability of the Pension Fund and activate investment policy without expanding the pension system. In order to achieve the goals that are inserted, it is extremely important to adapt the individual savings pension system, which is an important element of the pension reform, to meet the requirements of the time.

References

1. <http://m.pfru.uz/article/read/589?lang=eng>
2. <http://uza.uz/uz/programs/25-years/pensiya-jamgarmasi-uchun-yangi-texnologiyalar-10.01.2013-25148/>
3. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/59657--pnsiya-jamgarmasining-moliyaviy-barqarorligini-oshirish-va-invstitsiya-siyosatini-faollashtirish>

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ
JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

Xakimova Nargiza Axadjon qizi

Jahon iqtisodiyoti va Diplomatiya Universiteti
"Tashqi iqtisodiy faoliyat"
magistratura yo`nalishi
2-bosqich talabasi



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-1-8>

**"YASHIL IQTISODIYOT"GA O'TISH YO'NALISHLARI VA
USTUVORLIK XUSUSIYATLARI**

Annotatsiya: Maqolada ekologiya va iqtisodiyotning o'zaro bog'liqligi, iqtisodiy faoliyatning atrof-muhitga ta'siri hamda natijalari ko'rib chiqiladi. Mamlakat iqtisodiyoti hamda ishlab chiqarishi natijasida yuzaga keladigan ekologik xavflarni va tabiatning yemirilib ketishini sezilarli darajada kamaytirilishi uchun "yashil iqtisodiyot"ga o'tish hamda uning afzalliklari yoritib beriladi. Bundan tashqari, ushbu maqolada "yashil iqtisodiyot"ga o'tishda eko-innovatsiyalar va yashil investitsiyalar borasida xorijiy mamlakatlar tajribasi keng o'rganilgan.

Tayanch so'zlar: barqaror rivojlanish, atrof-muhit, ekologik barqarorlik, ekologik muammolar, "yashil iqtisodiyot", eko-innovatsiya, eko-investitsiya, qayta tiklanadigan energiya, iqtisodiyotni ekologizatsiyalash, "yashil" ish o'rinlari, ekologik texnologiyalar.

Хакимова Наргиза Ахаджон кизи

Университет мировой экономики и дипломатии
Студент 2 курса магистратуры
"Внешнеэкономическая деятельность"

**ПУТИ И ПРИОРИТЕТНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕХОДА К
"ЗЕЛЕННОЙ ЭКОНОМИКЕ"**

Аннотация: В этой статье обсуждается взаимодействие экологии и экономики, влияние экономической деятельности на окружающую среду и результаты исследования. Чтобы значительно снизить экологические риски, ухудшение состояния экономики страны и избежать падения производства в стране, выделены преимущества "зеленой экономики". Кроме того, в данной статье рассматривается опыт зарубежных стран в области эko-инноваций и зеленых инвестиций при переходе к "зеленой экономике".

Ключевые слова: устойчивое развитие, окружающая среда, экологическая устойчивость, экологические проблемы, "зеленая экономика", эko-инновации, зеленые инвестиции, возобновляемая энергия, экологизация экономики, "зеленые" рабочие места, экологические технологии.

DIRECTIONS AND PRIORITY FEATURES OF THE TRANSITION TO THE "GREEN ECONOMY"

Abstract: This article discusses the interaction of the ecology and economy, the impact of economic activity on the environment and the results of the study. To significantly reduce environmental risks, the deterioration of the state of the economy and to avoid a drop in production in the country, the advantages of the green economy are highlighted. In addition, this article discusses the experience of foreign countries in the field of eco-innovation and green investment in the transition to the "green economy".

Key words: sustainable development, environment, environmental sustainability, environmental problems, "green economy", eco-innovation, green investment, renewable energy, greening the economy, green jobs, environmental technology.

For citation: Xakimova Nargiza Axadjon qizi. "Yashil iqtisodiyot"ga o'tish yo'nalishlari va ustuvorlik xususiyatlari. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 54-60

Kirish

Globallashev jarayoni sanoati rivojlangan mamlakatlarning texnologik bazasining sifat jihatidan yangilanishini, ishlab chiqarish samaradorligi va raqobatbardoshlik darajasini oshirish bilan birga hayot sifatini va yashash muhitini yaxshilashni ta'minlaydigan yangi texnologik tuzilmaga modernizatsiya qilingan iqtisodiyotga o'tishni talab qilmoqda. Xorijda bu o'tishni amalga oshiruvchi "yashil o'sish" iqtisodiy siyosati Iqtisodiy Hamkorlik va Taraqqiyot Tashkiloti (OECD) tomonidan barcha a'zolarining uzoq muddatli (2030-yilgacha) rivojlanishi uchun strategik yo'nalish sifatida qabul qilingan (8).

Inqirozga qarshi salohiyat nuqtai nazaridan, eko-innovatsiyalar, yashil investitsiya va, umuman, yashil iqtisodiyot, bandlikni oshirish, ishsizlikni yumshatish, iqtisodiyotning barcha sohalarida faoliyatni rag'batlantirish va retsessiyadan tezroq chiqib ketish imkonini beradi.

Eko-innovatsiyalar barqaror rivojlanish maqsadlariga erishishda, atrof-muhitga zararli ta'sirni kamaytirish va tabiiy resurslardan yanada samarali va oqilona foydalanish orqali sezilarli va aniq o'sishga qaratilgan har qanday yangilik shakli sifatida ta'riflanadi, yashil iqtisodiyotning esa umumiy tirof etilgan ta'rifi mavjud emas. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Atrof-muhitni muhofaza qilish bo'yicha mutaxassislari (UNEP) "yashil iqtisodiyot"ni iqtisodiy faoliyat sifatida hisobga olib, bu tushunchani keng tushunishni taklif etadi, ya'ni "yashil iqtisodiyot insonlarning farovonligini yaxshilaydi va ijtimoiy adolatni ta'minlaydi, ekologik xavflarni va tabiatning yemirilib ketishini sezilarli darajada kamaytiradi" degan ta'rifi beradi. "Yashil iqtisodiyot"ning bu ta'rifi deyarli yaxshi ma'lum bo'lgan barqaror rivojlanish kontsepsiyasidan farq qilmaydi (3).

Yana tor ma'noda, "yashil iqtisodiyot"ni ifloslantiruvchi moddalar va issiqxona gazlarining emissiyasini nazorat qilish va kamaytirish, iqlim o'zgarishini kuzatish va prognozlash, shuningdek, energiya va resurslarni tejash texnologiyalarini va qayta tiklanadigan energiya manbalari uchun texnologiyalarni yaratish, ishlab chiqarish va ulardan foydalanish tushuniladi. Bu binolar va inshootlarni harorat, namlik va shamol

yuqining keskin o'zgarishlaridan himoya qilish uchun texnologiyalar va materiallarni yaratish, ishlab chiqarish va ulardan foydalanishni o'z ichiga oladi; ekologik toza mahsulotlar, shu jumladan, qishloq xo'jaligi (oziq-ovqat, tabiiy tolalar) va iste'mol tovarlarini (kimyoviy qo'shimchalarsiz tabiiy va tabiiy asosda dorilar va shaxsiy parvarish mahsulotlari) ishlab chiqarish, boshqacha aytganda, "yashil iqtisodiyot" iqtisodiyotni modernizatsiya qilish va ishlab chiqarish samaradorligini oshirish bilan birga hayot sifatini va turmush sharoitini yaxshilashga ko'maklashadigan xo'jalik faoliyatining turlari va natijalarini o'z ichiga oladi.

Shu bilan birga, "yashil iqtisodiyot" turli mamlakatlarning rasmiy hujjatlarida turlicha aks ettirilgan: birinchi navbatda, rivojlangan davlatlar orasida raqobat, ish o'rinlarini, rivojlanayotgan mamlakatlarda - barqaror rivojlanish, qashshoqlik muammolarini hal qilish, fuqarolar ishtiroki hamda tenglik masalalari, va BRIKS guruhi davlatlarida - resurslardan foydalanish samaradorligi sifatida belgilangan. Biroq, atrof-muhitni rivojlantirish sohasidagi eng dolzarb muammolar, avvalambor, atrof-muhitni muhofaza qilish sohasidagi cheklolar ushbu hujjatlarning hech biridagi "yashil iqtisodiyot"ning ta'riflarida ko'rinmaydi. Bu shuni ko'rsatadiki, yashil iqtisodiyotning eng muhim jihati bu iqtisodiyotning o'zi va ijtimoiy-iqtisodiy sohasi ekanligidir(8). Yevropa hamjamiyatining 2050-yilgacha "yashil iqtisodiyot"ga o'tish bo'yicha strategiyasida "yashil iqtisodiyot" ekosistemalarni (tabiiy resurslar), iqtisodiyotni (moddiy resurslar) va jamiyatni birlashtiradigan tizimni o'zida ko'rsatib berishi kerakligi ta'kidlangan (12).

Asosiy qism

Jahon iqtisodiyotidagi "yashil" sektorning miqyosi hali nisbatan kichik, shuning uchun iqtisodiyotning "yashil kurtaklar" atamasi "yashil iqtisodiyot" tushunchasi bilan birga odatda maxsus adabiyotlarda ham qo'llaniladi. Haqiqatan ham, ushbu sohada mahsulot va xizmatlarning qiymati 2010-yilda 2 trln. AQSh dollarini yoki jahon yalpi ichki mahsulotining 2,7 foizni, foyda esa 530 mlrd. AQSh dollarini, ish bilan bandlik - 10 mln. kishini tashkil etgan. Biroq, "yashil" sektorning ushbu sohadagi salohiyatlari va investitsiyalarining asosiy qismini jamlovchi ayrim davlatlarning iqtisodiy kompleksini rivojlantirishga qo'shgan hissasi sezilarli darajada yuqori: AQShda "yashil iqtisodiyot" 600 milliard dollardan ortiq mahsulot va xizmatlarni taqdim etadi (YaIMning 4,2%), bandlik 3 million kishiga baholanadi; Yaponiyada - YaIMning mos ravishda 3,4 foizi va 1,5 mln. ; Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida jami YaIMning 2,5 foizi va 3,4 milliarddan ortiq kishi; biroq ayrim mamlakatlarda bu ko'rsatkichlar yuqoriroq: Germaniyada esa YaIMning 4,8%, bundan tashqari, Germaniya ekologik toza mahsulotlar va xizmatlarni eksport qilishda (xususan, iqlimni tejovchi uskunalardagi jahon savdosining 12% dan ortig'i) dunyoning yetakchi mamlakatlaridan biri; yalpi ichki mahsulotda "yashil" sektor ulushi bo'yicha dunyoda yetakchi bo'lgan Buyuk Britaniyada bu ko'rsatkich 240 milliard dollarni (yoki YaIMning 8,8 foizini) tashkil etadi, uning eksportdagi ulushi 5 foizni va umumiy ish bilan ta'minlanish darajasi 3 foizni tashkil etgan(6).

Mutaxassislarining fikricha, "yashil iqtisodiyot" an'anaviy "jigarrang iqtisodiyot"ga qaraganda qisqa muddatda YaIMning o'sishini, aholi jon boshiga to'g'ri keladigan daromadning ortishini va ish bilan ta'minlanishni bir xil yoki undan yuqoriroq ko'rsatkichda oshirishi mumkin. So'nggi paytlarda o'tkazilgan xalqaro munozaralar "yashil iqtisodiyot" tushunchasini aniq ishlab chiqish, uni barcha mamlakatlar manfaatlarini nuqtai

nazaridan amalga oshirish bo'yicha chora-tadbirlarni chuqur tahlil qilish zarurligini ko'rsatadi. "Yashil iqtisodiyot"ga o'tish strategiyasi yirik investitsiyalarni (yiliga YaIMning 2 foizigacha) talab qiladigan murakkab jarayon bo'lib, iqtisodiyotning deyarli barcha tarmoqlariga ta'sir qiladi(7). Jahon tajribasi shuni ko'rsatadiki, "yashil iqtisodiyot" mintaqaviy rivojlanishni rag'batlantiradi, ijtimoiy barqarorlikka ko'maklashadi, "yashil iqtisodiyot" tarmoqlarida yangi ish o'rinlarini yaratish orqali iqtisodiy salohiyatni oshirishga erishish mumkin.

Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD) prognozlariga ko'ra, ishlab chiqarish va iste'mol qilishning zamonaviy usulida davom etilsa, 2050-yilga kelib, 2000-yil bilan solishtirilganda, o'simlik va hayvonot dunyosining 61 foizdan 72 foizigacha yo'qotiladi va tabiiy hududlar esa 7,5 mln. kv.m.ga qisqaradi(9). 2015-yilda, Global Footprint Network loyihasining olimlar guruhining hisob-kitoblariga ko'ra, sayyoramizning yillik resurslari (foydalanadigan va keyinchalik qayta tiklanishi mumkin bo'lgan resurslar miqdori) faqat 7 oy va 13 kun ichida tugagan. Olimlar 1970-yillardan buyon bunday hisob-kitoblarni amalga oshirmoqdalar va har yili yillik resurslar tez va tez sarflanayotganligini guvohi bo'lishmoqda. Masalan, 2015-yilda resurslar hajmi 2014-yilga nisbatan olti kun avval tugaganligi bu, albatta, resurslardan oqilona foydalanish hamda mamlakatlarning ekologiyaga zarar yetkazmagan holda rivojlanishini ta'minlash g'oyasini ilgari surish zarurligini ko'rsatadi. Agar yangi iqtisodiy siyosat olib borilmasa, OECDning 2050-yilgi prognozlariga ko'ra dunyo energiya talabi 80% ga ortadi. Mamlakatlar miqyosida tahlil qilinadigan bo'lsa, Janubiy Afrika 15%, OECD yevropa mamlakatlarida talab 28% , Yaponiya 2,5%, Meksikaning energiya talabi 112% ortishi kutilmoqda. Issiqxona gazlari emissiyasi 50%ga ortadi va havo ifloslanishini yomonlashtiradi. Shaharlarning ifloslanishi 2050-yilga kelib eng katta muammoga aylanadi. Bunda ichimlik suvlarining ifloslanishi va sanitariyaning yomonlashuvi yetakchilik qiladi. Nihoyatda og'ir havo ifloslanishi sababli yuzaga keladigan bevaqt o'limlar soni yiliga 3.6 millionga yetadi va bu bo'yicha Xitoy va Hindistonning ulushi sezilarli darajada ko'p bo'ladi. Yer yuzi 10%gacha qisqarib ketadi, ayniqsa, bu Osiyo, Yevropa va Janubiy Afrika davlatlarida ko'proq kuzatilishi kutilmoqda. Tabiiy o'rmonlar maydoni 13%gacha qisqarishi prognoz qilingan (2). Ushbu global xavflarni oldini olishda eng asosiy e'tibor iqtisodiyotni ekologizatsiyalashtirishga qaratilishi lozim. Bunda "yashil iqtisodiyot"ga o'tish, eko-innovatsiyalar hamda ekologik investitsiyalarni joriy etish kabi bir qancha chora-tadbirlar mavjud.

Innovatsiyalar ekologik samaradorlik va iqtisodiy o'sish uchun asosiy omil hisoblanadi. Eko-innovatsiya - bu atrof-muhitga ta'sirni kamaytirishga olib keladigan har qanday innovatsiya; bu yangi mahsulotlar ishlab chiqarish, tabiiy zahiralarni tejaydigan va minimal zaharli moddalarni chiqaradigan tizimlar va jarayonlarni yaratishdir (10). Eko-innovatsiyalar - bu faqatgina tabiiy resurslarni va umuman atrof-muhitni saqlab qolish vositasi emas, balki resurslardan oqilona, zamonaviy, ishonchli foydalanish bilan bir vaqtda mamlakatning iqtisodiy farovonligini va umuman raqobatbardoshlik darajasini oshirishga yordam beruvchi juda samarali vosita.

Ekologik yo'naltirilgan rivojlanish siyosatini olib borish sur'ati innovatsion rivojlanish va innovatsion o'zgarishlar hisobiga jadallashmoqda. Dunyo bo'ylab umumiy ixtirolar soni 2000-yildan buyon 2017-yilgacha 30%ga ortgan bo'lsada, iqlim o'zgarishini qisqartirishga yordam beradigan innovatsion texnologiyalar soni esa shu vaqt davomida

uch barobar ortdi. Bunday texnologiyalarning deyarli 90%i OECD mamlakatlari hissasiga to'g'ri keladi. Innovatsion texnologiyalar orqali past narxlarda ekologik xavfsiz ishlab chiqarishni tashkil etish mumkin, bu, o'z navbatida, yangi biznes imkoniyatlari va yangi bozorlar paydo bo'lishini ta'minlaydi.

Mamlakatlar miqyosida tahlil qilinganda, Germaniya iqtisodiyotning barcha sohalariga yashil tamoyillarni joriy etishda chiqindisiz ishlab chiqarish siklini yaratgan ushbu sohadagi ilg'or davlatlardan biridir. Germaniya chiqindilarni qayta ishlash hamda ulardan qayta foydalanish bo'yicha dunyoda yetakchi hisoblanadi. Germaniyada patentli texnologiyalarning 23 foizi atrof muhit sohasiga to'g'ri keladi va shamol, quyosh energetikasi sohasidagi kompaniyalarning 30 foizdan ortig'i nemis kompaniyalariga tegishli. Yashil sektorda, ya'ni atrof-muhit va iqlimni muhofaza qilish bilan bog'liq bo'lgan sohalarda (energiya, transport, qayta ishlash, chiqindilarni yo'q qilish va boshqalar) nemis korxonalaridagi faoliyat yuritayotgan ishchilar soni, taxminan 2 million kishini yoki jami iqtisodiy faol aholining 4,5 foizini tashkil qiladi. Bugungi kunda bu ko'rsatkich o'sish tendensiyasiga ega.

Ekologik innovatsiyalar sohasida Shvetsiya tajribasi muhim ahamiyatga ega. Shvetsiya - qayta tiklanadigan energiya va mahalliy yoqilg'i manbalaridan foydalanish bo'yicha jahonda yetakchi mamlakat hisoblanadi. Yel universiteti olimlari tomonidan sayyoradagi "yashil" mamlakatlar ro'yxatini ishlab chiqilganda, Shvetsiya ushbu reytingda birinchi o'rinni egallagan. Bugungi kunda mamlakat hukumati iqtisodiyotning barcha sohalarida yashil tamoyillarni joriy etish bo'yicha faol siyosat olib bormoqda. Energiya samaradorligi va qayta tiklanadigan energiya manbalari asosiy va ustuvor yo'nalishlar bo'lib, energetika va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasi siyosat darajasiga chiqarilgan(11). Shvetsiyada maishiy chiqindilarning 96 foizi yo'q qilinadi, bu dunyodagi eng yuqori ko'rsatkichlardan biridir. Qayta tiklanadigan energiya manbalariga o'tishda uy egalari soliq imtiyozlari beriladi. Shuningdek, avtomobil uchun ekologik toza yoqilg'idan foydalanadigan avtomobil egalari uchun soliq ham kamaytiriladi. Bundan tashqari, shaharda bepul mashinajoylari ham taklif etiladi. Mamlakatda bunday avtomobillarning ulushi yildan yilga oshib bormoqda. Bular, albatta, mamlakat ekologiyasiga o'zining ijobiy ta'sirini ko'rsatuvchi qo'shimcha chora-tadbirlar guruhiga kiradi.

Ekologik investitsiyalar uchun moliyaviy imtiyozlar bo'yicha Gollandiya tajribasiga qaraydigan bo'lsak, Gollandiya MIA va VAMIL - Gollandiyalik kompaniyalar tomonidan ekologik texnologiyalardan foydalanishga rag'batlantirishning ikki alohida choralar sifatida qaraladi. MIA va VAMIL Gollandiyada alohida-alohida rag'batlantiruvchi choralar hisoblansada, bu chora-tadbirlar juda ko'p o'xshashliklarga ega.

VAMIL kompaniyalarga atrof-muhitni muhofaza qilish vazirligining rasmiy ro'yxatida belgilangan texnologiyalarning (uning qiymatining 75 foizigacha) amortizatsiya davrini mustaqil ravishda belgilashga imkon beradi. Shuning uchun VAMIL tadbirkorlarga texnologiyalarni tezkor tarzda amortizatsiya qilish yo'li bilan moliyaviy afzallikka ega bo'lishini ta'minlaydi. Shu bilan birga VAMIL usulidan foydalanish beradigan imkoniyatni aniq belgilash qiyin, chunki bu tadbirkorlarning VAMIL da qatnashish uchun ariza berishidagi aniq sharoitlarga bog'liq. Bu imkoniyat odatda amalga oshirilgan kapital qo'yimlarining 3-8%ga teng deb baholanadi.

MIA kompaniyalarga ularning investitsion qiymatining 36%igacha ekologik investitsiyalarni ayirib tashlash imkonini beradi. MIA tizimi bilan foyda qo'llaniluvchi soliq tartibi va kapital qo'yilmalarga bog'liq (korporativ yoki daromad solig'i). Soliqdan chiqarib tashlanadigan kapital qo'yilmalarning foizdagi ulushi ekologik ro'yxatda aniq belgilangan. Kapital qo'yilmalar va qo'llaniluvchi texnologiyalar xususiyatiga bog'liq holda 15, 30, 40% ayirib tashlanishi mumkin. Ikki tizimdan ham har qanday kompaniya foydalanishi mumkin. Shu bilan birga, ariza beruvchilarning 93%ini kichik va o'rta korxonalar tashkil qilib ularning ko'pchiligi qishloq xo'jaligi bilan shug'ullanadi, sababi bu sektorlarning tarmoq birlashmalari korxonalariga ushbu soliq vositasidan foydalanish natijasida olinuvchi imkoniyatlarni samarali belgilaydi(1).

Davlat iqtisodiyotida yashil sektor ulushini ko'paytirish uchun tezlashtirilgan amortizatsiya, mulk solig'i yoki daromad solig'ini kamaytirish kabi soliq imtiyozlarini qo'llashi mumkin, ayniqsa, kichik va o'rta korxonalarni ekologizatsiyalashni amalga oshirish uchun davlat moliya muassasalari tomonidan imtiyozli kreditlar va yashil texnologiyalarga investitsiyalar kiritishi mumkin. Ammo davlat ekologik muvofiqlikni ta'minlash uchun biznes subsidiyalarini taqdim etishi to'g'ri hisoblanmaydi. Uning o'rniga, davlat organlari korxonalarning moliyaviy holatini rag'batlantirishda ekologik omillarga e'tibor qaratilish mezonini o'zida aks ettiruvchi xususiy banklar va sug'urta kompaniyalarini kengaytirishi kerak. Ya'ni, banklar kreditni tasdiqlashdan oldin ekologik ko'rsatkichlar ro'yxatini talab qilishi mumkin, sug'urta kompaniyalari esa ekologik xavflar va ularni kamaytirish choralari bo'yicha identifikatsiya deklaratsiyasini tuzishlari mumkin. Shuningdek, banklar va sug'urta kompaniyalari ekologik samaradorligi yuqori bo'lgan kompaniyalar uchun imtiyozli qulay shartnoma shartlarini taqdim etishi mumkin. "Yashil biznes" amaliyotida korxonalariga axborotlarni tarqatish va dastlabki ishtirokini ta'minlash uchun bevosita subsidiyalar ajratish va bepul texnik yordam ko'rsatish ancha samara beradi. Biroq, hozirgi kunda ko'plab davlatlarning "yashil amaliyotlar"ni joriy etish va rag'batlantirish uchun moliyalashtirish bo'yicha qonuniy me'yorlari yetarli emas, shunga ko'ra, yashil iqtisodiy tizimga bosqichma-bosqich o'tishda korxonalariga texnik yordam ko'rsatish uchun moliyaviy ajratmalar korxonalarning uzoq muddatli eko-iqtisodiy barqarorligiga yordam beradi.

Xulosa

Jahon tajribasi shuni ko'rsatadiki, "yashil iqtisodiyot" mintaqaviy rivojlanishni, ijtimoiy barqarorlikka erishishni, "yashil iqtisodiyot" tarmoqlarida yangi ish o'rinlari yaratilishi orqali iqtisodiy salohiyatni oshirishni rag'batlantiradi (5). "Yashil iqtisodiyot", asosan, iqtisodiy taraqqiyotga yordam beradi va yalpi ichki mahsulotning o'sishini, mamlakat daromadlarini oshirishni, aholini ish bilan ta'minlash, mamlakatda ishsizlik darajasini pasaytirishni ta'minlaydi. Shu bilan birga, "yashil iqtisodiyotga" o'tish iqlim o'zgarishi, foydali qazilma minerallarning yo'qolishi va suv resurslarining tanqisligi kabi global tahdidlar xavfini kamaytiradi. Ammo butun jahon rivojlanishini olib qaralsa, uning umumiylik xususiyati namoyon bo'ladi, ya'ni, bugungi dunyo sivilizatsiyasi kuch to'plagan, o'z qudratining eng yuqori nuqtasiga yetgan vaqtda jahonning barcha mamlakatlari iqtisodiy rivojlanishda ekologik yo'naltirilgan model tanlanmas ekan, globallashuv sharoitida butun sayyoraning asta-sekin tanazzulga yuz tutishi va butunlay yo'q bo'lib ketishgacha borish xavfi yuzaga keladi, degan xulosaga kelishimiz mumkin.

References

1. Экологизация малых и средних предприятий: Пособие по инструментам природоохранной политики для стран Восточного партнерства ЕС// "ЕaP GREEN".-М.:2012.-С.53
2. Environment: Act Now or Face Costly Consequences, Warns OECD http://www.oecd.org/document/34/0,3746,en_21571361_44315115_49897570_1_1_1_1,00.html
3. Зеленая экономика: здравоохранение / United Nations Environmental Programme: Green Economy // http://www.unep.org/greeneconomy/Portals/88/documents/research_products/briefingpapers/Ru_GE_HEALTH.pdf. - С. 2.
4. "Зеленая" экономика: здравоохранение / United Nations Environmental Programme: Green Economy // [электронный ресурс] http://www.unep.org/greeneconomy/Portals/88/documents/research_products/briefingpapers/Ru_GE_HEALTH.pdf (дата обращения 06.12.2014).
5. Лыжин Д. Перспективы развития "зеленой экономики": глобальные и региональные аспекты [Электронный ресурс]. - Режим <http://geopolitics.by/analytics/perspektivyrazvitiyazelenoy-ekonomiki-globalnye-i-regionalnye-aspekty>
6. Навстречу "зеленой" экономике: пути к устойчивому развитию и искоренению бедности - обобщающий доклад для представителей властных структур. - ЮНЕП, 2011.
7. Официальный сайт ЮНЕП - Программы ООН по окружающей среде- [электронный ресурс] <http://www.unep.org/greeneconomy> (дата обращения 06.12.2014).
8. Порфирьев Б.П., "Зеленая" экономика: реалии, перспективы и пределы роста. - М.: Карнеги, 2013.
9. Перспективы энергетических технологий. Сценарии и стратегии до 2050 г. /ОЭСР/МЭА; WWF России ; ред. А. Кокорина, Т. Муратовой. - М., 2007. - 586 с.
10. Рогоцкая С. Об устойчивом развитии и эко-инновациях: новые возможности [Электронный ресурс] // URL: <http://www.newsland.ru/news/detail/id/678725/> (дата обращения: 12.10.2014 г.).
11. Трофимов Н.А. Инновации для "зеленого" развития // Наука за рубежом: ежемесячное обозрение.- 2014.-№ 34.-С.9-12.
12. Towards a green economy in Europe. EU environmental policy targets and objectives 2010-2050. European Environment Agency, Copenhagen, 2013. URL: <http://www.eea.europa.eu/publications/towards-a-green-economy-in-europe>
13. World Economic and Social Survey 2011: The Great Green Technological Transformation / Department of Economic and Social Affairs of the United Nations Secretariat (DESA). - New York: United Nations, 2011. - E/2011/50/Rev. 1 ST/ESA/333.



ISSN 2181-9491
Doi Journal 10.26739/2181-9491

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ

JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

№1 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Эксперт Lawyers город Ташкент, Сергели 6,
улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,
Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

02/2018